

ISSN: 2545-0573

## ТАБАҚАЛАШТИРИЛГАН ДИПЛОМЛАР БЕРИШ – САМАРАЛИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ КАФОЛАТИ

**Очилов Акром Одирович**

*Иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Қариш давлат университети Иқтисодиёт кафедраси*

**Ражабова Д.**

*Мустақил изланувчи, ДБА Менежмент кафедраси*

### ARTICLE INFO.

#### **Калит сўзлар:**

Бакалавр, магистр, диплом,  
битирувчи, меҳнат бозори, дастур,  
ишга жойлашув, билим, тоифа,  
рейтинг.

### Аннотация

Мақолада ҳозирги даврда ривожланган хорижий мамлакатлар олий таълим муассасалари битирувчиларига берилаётган дипломлар номланиши, таълим муддати ва бошқа тахлилий маълумотлар асосида Ўзбекистон Республикаси ОТМлари битирувчиларига табақалаштирилган дипломлар бериш тавсия этилган.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl/> © 2022 LWAB.

**Кириш.** Ҳозирги даврда бутун дунёда олий таълим муассасалари битирувчиларига кўпинча дипломлар берилмоқда. Бу дипломлар турли мамлакатларда турлича мавқега эга бўлиб, ўз навбатида, диплом соҳибига белгиланган масъулиятлар юклайди ва муайян ҳуқуқлар беради. Энг муҳими, тақдим этилаётган мазкур ҳужжат юқори малакали кадрнинг 3-4 (5-6) йил мобайнида инсон капиталини қай даражада ўзлаштирганлиги ва ундан қандай фойдалана олиши мумкинлик даражасини акс эттирувчи ҳужжатдир. Бошқача айтганда, олий таълим муассасалари битирувчилари ўзларига тақдим этилаётган дипломларга мувофиқ билим ва кўникмага эга бўлишлари, давр талабларига мос рақобатбардош юқори малакали кадр бўлишлари муҳимдир.

Ҳозирги кунга қадар юртимизда инсон капиталидан тўлиқ ва самарали фойдаланиб келинмоқда деб бўлмайди. Бунинг ўзига хос объектив ва субъектив сабаблари бор. Муҳтарам Президентимиз Ш.М. Мирзиёев бу борада шундай дейди: “Иқтисодиётни таркибий жиҳатдан ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга алоқадор вазирлик ва идоралар фаолияти уйғунлигини таъминлаш, мавжуд муаммо ва тўсиқларни тезкорлик билан аниқлаш ва бартараф этишга асосланган замонавий ва инклюзив институционал тизимни янада такомиллаштириш зарурати каби қуйидаги вазибаларни қўймоқда: ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича ёндашув ва тамойилларни тўлиқроқ шакллантириш. Иқтисодиётнинг ҳудудий ва тармоқ ривожланиши ўртасидаги ўзаро боғлиқликни таъминлаш, бу жаҳадаги мавжуд салоҳият ва “нисбий устунлик” мезонларидан оқилона фойдаланиш ва ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришда инсон капитали ва демографик омилларни инобатга олиш масалалари ҳам янгича ёндашувларни талаб

килмоқда” [3, 130-131-б.]. Президентимиз таъкидлаган янгича ёндашувлардан бири сифатида юртимиз ОТМларида сифатли ва рақобатбардош юқори малакали кадрлар тайёрлашни бошқариш самарадорлигини ошириш мақсадида битирувчиларнинг билими, қобилияти, малакаси, иқтидори, дунёқараши, маънавияти, ташаббускорлиги ва бошқа интеллектуал имкониятларини эътиборга олган ҳолда, уларга табақалаштирилган дипломлар бериш долзарблик касб этади.

**Тадқиқотнинг методологияси ва натижалари.** Илмий тадқиқотда ривожланган хорижий мамлакатлар олий таълим ва илмий тадқиқот муассасаларида олиб борилган тадқиқотларни ўрганиш ва таққослаш усулидан фойдаланилди. Кун тартибига киритилган масала юзасидан олинган маълумотлар ва эришилган натижалар конференция ташкилотчилари томонидан мақолани расмийлаштиришга қўйилган талабларни амалга оширишда рукнлар бири иккинчисини тўлдириши лозимлиги нуқтаи-назаридан мақоланинг “таҳлил” қисмига қўшилди.

**Таҳлил.** Мавзу доирасида олимлар ва соҳа мутахассислари тадқиқотлар олиб боришган ва чоп этилган асарларида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришган. Савина А.К.нинг маълумотларига кўра “Францияда бакалавр – тўлиқ ўрта мактаб битирувчиларига тақдим этилувчи ва ОТМларига кириш ҳуқуқини берувчи даража. Европа Иттифоқи, Канада ва АҚШда 3-4 йил, тиббиёт йўналишларида 5-6 йил, Буюк Британияда кундузги таълимда коллежда ёки университетда 3-4 йил махсус дастурлар асосида ўқитилиб, бакалавр даражаси берилади. Буюк Британияда кўпроқ тарқалган бакалаврият даражалари шулардир: санъат бакалаври (Bachelor of Arts (BA)); бухгалтерия иши бакалаври (Bachelor of Accountancy (BAcc)), архитектура бакалаври (Bachelor of Architecture (BArch)), инженерлик иши бакалаври (Bachelor of Engineering (BEng)), фан бакалаври (BSc), тиббиёт бакалаври (Bachelor of Medicine (MB)), ҳуқуқ бакалаври (Bachelor of Laws (LLB)), таълим соҳасидаги бакалавр (Bachelor of Education (BEd)) [5, С.13]. “Буюк Британияда бакалаврият 5 тоифага бўлинади: Юқори тоифага (I) деб белгиланувчи биринчи даражали диплом (First class honors) тааллуқли. 2-тоифа (Second class honors) икки даражани ўз ичига олади, мос равишда иккинчи юқори (2:i) ва иккинчи қуйи (2:ii). Учинчи даражали диплом (third class honors) эса (III) деб белгиланади. Ҳеч қандай муваффақиятга эришмаган талабалар битирув тўғрисида оддий диплом (“ordinary degree” ёки “pass degree”) олишади [5, С.13]. “Швецияда 2 йил университетда ўқиб олинган университет дипломи (Hogskoleexamen) соҳиблари 3-3,5 йил мобайнида Европада умумқабул қилинган бакалавр эквиваленти бўлган “Kandidatexamen” дастурини ўзлаштирадilar. Норвегияда бакалаврият дастурлари бўйича таълим қоидага кўра 3 йилга мўлжалланган бўлиб, асосий мутахассислик бўйича базавий ва факультатив предметларни ўрганишни ва диплом ишини ёзишни мўлжаллайди. [5, С.14]. Шунингдек, Савина А.К. ўрганган маълумотларига кўра “Францияда ва олий таълимнинг Франция тизимини қўлловчи мамлакатларда ... олий таълим тузилиши “қисқа” (les formations courtes) ва “узун” (les formations longues). Қисқа давр 2 йил давом этиб, битирувчилар университет технологик дипломи (Diplome universitaire technologie - DUT) ёки олий техник таълимнинг университет дипломи (Diplome d'etudes universitaires scientifiques et techniques – DEUST)га эга бўладилар. Бу давр жамиятда оммабоп бўлиб, битирувчиларга реал ва тезда ишга жойлашиш имконини беради. “Узун” давр уч даврни ўз ичига олади. Биринчи давр икки йиллик, базавий тайёргарликни бериб, умумий университет таълими тўғрисидаги диплом олиш билан яқунланади. Бу диплом меҳнат бозорида амалий аҳамиятга эга эмаслиги туфайли талаба икки даврда ўқийди. 2-давр даражасида ўтган икки йилда олинган билимлар такомиллаштирилади. Бир йил ўқигач талаба лицензиат (licence) дипломини ва яна бир йилдан сўнг мутахассис – Master 1 дипломини олади” деб ёзади [5, С.16-17].

Борисова А.А.нинг фикрича, дипломнинг мавжудлиги “табиий индивидуал қобилиятлари” тўғрисида ахборот ишораси ва камроқ даражада меҳнат бозорида касбий яроқлилик ва рақобатбардошлик ҳақида ишора сифатида қаралади. Бу ҳар хил мутахассислик бўйича ишга жойлашган мутахассислар даромадларини (таълимга сармоялар қайтиши каби) таққослама

таҳлилини ҳам тасдиқлайди [1, С.118].

Борунова И.А. ўз тадқиқотлари натижасига мувофиқ шундай хулосага келади: “Ҳозирги даврда турли мамлакатларда ОТМлари ҳамкорлигининг қўшма диплом беришни назарда тутувчи икки асосий шакли қўлланилмоқда: – валидацион – ўқув режаси ОТМлари томонидан биргаликда ёки ОТМларидан бирининг назорати остида ишлаб чиқилади; – франчайзинг (шартномавий модель) – битта ОТМ томонидан ишлаб чиқилган алоҳида курслар ва дастурлар бошқа ОТМ талабаларига ўқитилиши бўйича ОТМлари ўртасида шартнома тузилади” [2].

Мазкур масалалар бўйича илмий изланишлар олиб боришган олимлар Полищук Л., Ливни Э. “қобилиятли ва билимли ходимларга эҳтиёж сезаётган иш берувчилар юқори даражадаги дастурлари, ўқитиш сифати, талабалар билими ва уларнинг ўқув режаларини бажаришларига талабчанлик муносабатига қараб ОТМ дипломини кадрлашлари лозим” деган муҳим хулосага келишади [4, С.7]. Профессор Саидов М. “Ишга олувчилар кўп ҳолларда маълумотга тегишли дипломларга эмас, балки кадрлар ишни қай даражада билиши ва касбий тайёргарлиги билан қизиқадилар” [6, 90-б] деган фикри кўп йиллик тажриба маҳсулидир.

Кўп йиллик тажриба ва юқорида олимларнинг баён этилган фикр-мулоҳазалари таҳлили шуни кўрсатадики, ҳозирги даврда республикамиз ОТМларининг битирувчиларига бериладиган икки тоифали диплом (имтиёзли ва оддий) турларига, бизнинг фикримизча, ўзгартириш киритиш мақсадга мувофиқ. Ваҳоланки, барча фанлардан юқори рейтинг кўрсаткичлари (86-100%) билан ўзлаштирган битирувчиларимизга имтиёзли диплом берилиб, қолган ўрта (55-70%) ва сифат кўрсаткичли (71-85%) ўзлаштириш билан битирган талаба(магистрант)ларга бир хил тоифали диплом берилмоқда. Башарти, бизнинг таклифларимизга мувофиқ битирувчининг ўқиш даврида олган билими, уқуви, кўникмаси ва малакасига кўра табақалаштирилган тоифали диплом берилса, бу стратегик бошқарув қуйидаги ютуқ ва устунликларни келтириб чиқариши мумкин деб ҳисоблаймиз: биринчидан, талаба(магистрант)нинг кўпроқ билимли, масъулиятли ва интилувчан бўлиш, профессор-ўқитувчиларнинг ўз устида ишлаш, талабаларга дунёвий билимлар бериш эҳтиёжлари ошади; иккинчидан, буюртмачи ва истеъмолчи ташкилотларнинг юқори малакали кадрларга буюртмалар бериш, уларни ОТМларидан танлаб олиш имкониятлари енгиллашади. Учунчидан, истеъдодли ва иқтидорли талабаларга олий тоифали ва I-тоифали диплом, фанларни ўргача ўзлаштирган талабаларга II-тоифали диплом, ОТМда қийинчилик билан ўқиган, узрсиз сабабларга кўра кўп ўқув машғулотлари ва малакавий амалиётларга қатнашмаган, фанларни 2-3 уринишда қийналиб топширган, билимсиз ва кўп марта огоҳлантирилишига қарамасдан ўз вазифаларига масъулиятсизларча қарайдиган талабаларга сертификат берилиши ёки тўлов-контракт асосида яна бир йил IV-курсда қайта ўқитилиши, фанларни қайтадан ўзлаштиришига имконият яратиб берилиши лозим; тўртинчидан, ОТМ раҳбарияти муассаса рейтингини сақлаб қолиш ва ошириш мақсадида профессор-ўқитувчилар ва соҳа мутахассислари иштирокида талабаларни имконият борица юқори ва ўрта рейтинг кўрсаткичлари билан битиртиришга зарурий шароитлар яратиб беришади. Зеро, шахснинг, талаба (магистрант)нинг таълим тизимида олган билими ўзи ишлаётган корхона иқтисоди ва рейтингини оширишда, лавозим поғоналарига кўтарилишда ва оиласини боқишда, яъни жамиятда ўз ўрнини топишда зарур бўладиган омилларнинг энг асосийсидир.

**Хулоса.** Ривожланган мамлакатлар тажрибасига мувофиқ кадрлар салоҳиятининг мустаҳкамланиб ва мунтазам янгиланиб борилиши ижтимоий-иқтисодий ривожланишни кафолатлайди дейиш мумкин. Демак, талаб ва таклиф асосида ОТМларида сифатли таълим хизматлари кўрсатилиб, юқори малакали кадрлар тайёрлашни бошқаришда давлат рақобатбардош кадрлар тайёрланишидан, жамият шахсий ва интеллектуал салоҳият мажмуига эга бўлишдан, истеъмолчи ва буюртмачилар корхонанинг кадрлар салоҳияти оширилишидан; ОТМлари раҳбарлари муассаса нуфузининг ошиши ва тараққиётидан, битирувчи бакалавр (магистр)лар кафолатли иш ўринларига эга бўлишдан, талаба (магистрант)лар қобилиятлар

ривожи, иқтидор шаклланиши ва билимли бўлишдан манфаатдордирлар. Бундай ҳар томонлама ўзаро манфаатдорликка эга бўлиш кафолатининг муҳим йўналишларидан бири олий таълим муассасалари битирувчиларининг эгаллаган билим ва малакаси, иқтидори, тажрибаси, ташаббускорлиги, маънавияти, киришувчанлиги ва бошқа интеллектуал қобилиятларини ўзида акс эттирувчи табақалаштирилган дипломларга эга бўлишидир деб ҳисоблаймиз.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси [Матн] / Ш.М. Мирзиёев. – Тошкент: “O’zbekiston” нашриёти, 2021. – 464 б.
2. Борисова А.А. Качество подготовки и востребованность специалистов по управлению трудом. Методология и практика исследования: монография. – Новосибирск. – 2013. – 283 с.
3. Борунова И.А. О способах интеграции вузов в мировое образовательное пространство // Проблемы современной экономики. – 2015. – 3 (55). – С. 355-357.
4. Полищук Л., Ливни Э. Качество высшего образования в России: роль конкуренции и рынка труда // Теоретические и прикладные исследования. – С.2-18.
5. Савина А.К. Ученые степени и звания в зарубежных странах: общее и особенное // Проблемы современного образования. – 2015. – 3. – С.10-23.
6. Саидов М.Х. Олий таълим тизимида молиявий бошқарув: ўқув қўлланма. – Тошкент. – 2011. – 432 б.